

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**477 Юқори сифатли техник мойлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий корхона ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Юқори сифатли, рақобатбардошли минерал, синтетик ва ярим синтетик мойлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, республика ички бозорини улар билан тўлдириш ва уларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўз-Тексако» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси қатнашчилари ҳамда «Prista Oil Holding» EAD (Болгария) компаниясининг:

«Техасо Overseas Holding Inc.» (АҚШ) компанияси томонидан «Ўз-Тексако» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасининг устав фондидаги 50,1 фоиз миқдоридаги ўз улушини «Prista Oil Holding» EAD (Болгария) компаниясига сотиш тўғрисидаги;

«Ўз-Тексако» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасини «Uz-Prista» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси деб қайта номлаш тўғрисидаги;

2011-2012 йилларда «Uz-Prista» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси томонидан «Юқори сифатли минерал, синтетик ва ярим синтетик мойлар, шунингдек антифризлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси 2012-2013 йилларда «Uz Prista» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасини «Фарғона НКЗ» унитар шўъба корхонасида ишлаб чиқарилган базавий мойлар билан ҳар ойда 3000 тонна, шу жумладан экспортга етказиб бериш ҳисобидан, эркин алмаштириладиган валюта ҳисобига 2000 тонна миқдорида таъминласин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги «Uz Prista» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси ишлаб чиқарадиган маҳсулотни сертификатлашнинг миллий тизими қоидаларига мувофиқлиги юзасидан сертификатлашни таъминласин.

4. «Uz Prista» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси ўз ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун четдан келтириладиган технология ва лаборатория ускуналари, бутловчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатлар бўйича қурилиш материаллари учун 2015 йил 1 январгача божхона тўловларини тўлашдан (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно) озод қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Uz-Prista» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан тасдиқланадиган буюртманомаларига биноан кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга ошириш доирасида жалб этиладиган хорижий мутахассисларга кириш визаларининг консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Uz-Prista» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан тасдиқланадиган буюртманомаларига биноан кўрсатиб ўтилган лойиҳада қатнашувчи хорижий мутахассисларга давлат божлари ундирмасдан кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Uz Prista» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан тасдиқланадиган буюртманомаларига биноан хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномаларнинг белгиланган тартибда берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўз-Тексако» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 23 декабрдаги 455-сон қарорининг 1 ва 5-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 15 ноябрь,
304-сон